


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**



**2019-2020-ўқув йилида 3-4 курслар учун  
“Талабалар билимини назорат қилиш ва  
баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низоми”  
асосида ишлаб чиқилган  
ЙЎРИҚНОМА**

**САМАРҚАНД-2019**



**“ТАСДИКЛАЙМАН”**

СамДУТИ ректори

**И.Тухтасинов**

**2019 йил “29” август**

**“Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом” асосида ишлаб чиқилган  
ЙЎРИҚНОМА**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 10 июлдаги 1981-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низомга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғи билан Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2013 йил 13 декабрь 470-сон буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 13 декабрда 1981-2 рақами билан рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 26 декабрда “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга қўшимча киритиш ҳақида”ги 14-сонли буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2014 йил 30 декабрда 1981-3 тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 225-модда) ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда) мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солиди.

Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган Низомнинг хар бир банди кафедраларда ўрганиб чиқилди. Самарқанд давлат чет тиллар институти услубий кенгашининг 2017 йил 26 июнь 8 -сонли баённомаси тавсияси билан 2017 йил 29 июнь 12-сонли баённомасига асосан институт Илмий кенгашида тасдиқланган “Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”и асосида ишлаб чиқилган ЙЎРИҚНОМАни ўқув жараёнига тадбиқ қилиш тавсия этилди.

**I. Умумий қондалар**

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

2. Рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) Талабаларда давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шакллانганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б) Талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари; Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилиқ ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) Фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г) Талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

д) Талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

е) Талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ж) Ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш;

3. Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

## II. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

4. Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари кафедра мудири тавсияси билан факультет услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

*Назорат турлари, мезонлари фан ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилган рейтинг назоратлари жадвали кафедра мажлисида таҳлил қилиниб, кафедра мудири тавсияси билан факультет услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.*

5. Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

6. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

**Жорий назорат** - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки, сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллоквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

**Оралиқ назорат**-семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратнинг сони бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

**Яқуний назорат**-семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Яқуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” шаклида ўтказилади.

Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда факультет Илмий кенгаши ёки олий таълим муассасаси Кенгаши қарори асосида кўпи билан 40% фанлардан яқуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки, тест ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин.

6.1. Назорат турларини ўтказишда холисликни таъминлаш мақсадида талабалар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг назорат ишларига олий таълим муассасаси томонидан идентификация коди бериш орқали шифрланиши мумкин.

7. Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган

ҳолларда, оралик назорат натижалари бекор қилинади ҳамда оралик назорат қайта ўтказилади.

8. Институт ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими ёки ўқув-услубий бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ҳамда якуний назорат қайта ўтказилади.

9. Ўқув йили тугаганидан кейин рејитинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

### III. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

10. Талабанинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рејитинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

11. Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда **бутун сонлар** билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

якуний назоратга-30 балл;

жорий ва оралик назоратларга-70 балл (фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 70 балл кафедра томонидан жорий ва оралик назоратларга тақсимланади).

*Фан бўйича ўтказиладиган назоратларнинг баҳолаш улуши кафедралар тақлифига биноан қуйидагича тақсимланиши тавсия этилади: ЖН-40, ОН-30. Семестрда фан бўйича иккита жорий назорат (ёки фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб ЖНнинг сони иккитадан кўп бўлиши ҳам мумкин) ва 1 та оралик назорат ёзма шаклда ўтказилиши тавсия қилинади.*

12. Талабанинг рејитинг дафтгарчаси ёки талабалар рејитингини ҳисобга олиш электрон тизимига алоҳида қайд қилинган курс иши (лойиҳаси, ҳисоб-график ишлари), малакавий амалиёт, фан (фанлараро) бўйича якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши магистратура талабаларининг илмий тадқиқот ва илмий педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси -100 баллик тизимда баҳоланади.

14. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар (кейинги ўринларда намунавий мезонлар деб юритилади) тавсия этилади;

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

хулоса ва қарор қабул қилиш;

ижодий фикрлай олиш;

мустақил мушоҳада юрита олиш;

олган билимларини амалда қўллай олиш;

моҳиятини тушуниш;

билиш, айтиб бериш;

тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

мустақил мушоҳада юрита олиш;

олган билимларини амалда қўллай олиш;

моҳиятини тушуниш;

билиш, айтиб бериш;

тасаввурга эга бўлиш.

в) 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

моҳиятини тушуниш;

билиш, айтиб бериш;

тасаввурга эга бўлиш.

г) куйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин:  
аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;  
билмаслик.

15. Намунавий мезонлар асосида муайян фандан жорий ва оралиқ назоратлар бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, кафедра мудирининг томонидан тасдиқланади ва талабаларга эълон қилинади.

**Жорий баҳолаш мезонлари:**

1. Лаборатория ишини баҳолашда куйидагилар инобатга олинади:

- мустақил назарий тайёргарлик даражаси (конспект, озгаки савол-жавоб);

- ишни бажаришдан мақсад ва бажариш тартибидини билиши;

- ишни бажариш жараёнида олинган натижалар асосида ҳисоблашларнинг тўғри амалга оширилганлиги;

- олинган натижаларни таҳлил қилиш орқали чиқарилган хулосаларнинг илмийлиги.

2. Амалий магулотлардаги баҳолаш жараёнида куйидагилар инобатга олинади:

- мустақил назарий тайёргарлик даражаси;

- амалий машгулот топшириқларини бажариш жараёнида назарий билимларни тўғри қўлай билганлиги (керакли формула, қонуниятлар тўғри ишлатилганлиги).

3. Семинар машгулотларини баҳолаш жараёнида куйидагилар инобатга олинади:

- семинар мавзуси доирасида кўрсатилган саволлар бўйича конспектнинг мавжудлиги;

- машгулотга тайёргарлик жараёнида тавсия этилган адабиётлардан фойдаланилганлиги;

- тавсия этилган адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (дарслик, даврий матбуот, интернетдан олинган маълумотлар ва хоказо);

- семинар режасида қўйилган саволларга жавобларнинг аниқ, илмий асосланганлиги;

- ҳар бир савол бўйича хулосаларнинг тўғрилиги.

**Оралиқ баҳолаш мезонлари:**

- фаннинг ОБ учун белгиланган бўлими ёки қисми бўйича назарий билимларнинг тўла ўзлаштирилганлик даражаси;

- олинган назарий билимларни қўлай билиш кўникмаларининг шакланганлик даражаси;

- қўйилган саволларга берилган жавобларнинг илмий асосланганлиги;

- ўтилган мавзулар бўйича мустақил фикрлаш қобилиятини намоён этилганлиги;

- тавсия этилган адабиётлардан ташқари, қўшимча манбалардан фойдаланганлик.

**Якуний баҳолаш мезонлари:**

- фан бўйича назарий билимларнинг тўла ўзлаштирилганлик даражаси;

- олинган назарий билимларни амалда қўлай билиш кўникмаларининг шакланганлиги;

- қўйилган саволларга берилган жавобларнинг аниқ ва лўнда илмий асосланганлиги;

- ўтилган фан бўйича мустақил фикрлаш қобилиятининг шакланганлиги;

- тавсия этилган адабиётлар ва қўшимча манбаларни ўзлаштирилганлиги.

16. Намунавий мезонларга мувофиқ мутахассислик фанлар бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан якуний назорат учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, олий таълим муассасаси услубий кенгаши томонидан тасдиқланади ва турдош олий таълим муассасаларига етказилади.

17. Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Талабанинг ўқув фани бўйича мустақил ишига умумий 100 баллнинг 20 баллини ажратиш тавсия қилинади. Бу 20 балл ЖНга киритилади.

18. Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R = V * O' / 100$$

бу ерда: V-семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юклариди (соатларда)

O'- фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

19. Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий балнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга киритилмайди.

*Семестрда фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий 70 балнинг 55 фоизи (39 балл) саралаш бали ҳисобланиб, 55 фоиздан кам (0 – 38 балл) тўплаган талаба якуний назоратга киритилмайди.*

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича 55 фоиз (39 балл) ва ундан юқори фоиз (балл) тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

20. Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

#### **IV. Назорат турларини ўтказиш муддати**

21. Оралиқ ва якуний назорат турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

22. Талаба фан бўйича курс ишини ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар топшириши шарт.

23. Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш (39 балл) балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат турига, сўнги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратга бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

24. Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки якуний назорат бўйича тўплаган бали ушбу назорат тури умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса, у академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугагандан кейин (баҳорги семестр натижалари бўйича талабаларнинг ёзги таътили ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат таътилидан сўнг) қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

*Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизи (39 баллдан) дан кам бўлса ёки семестр якунида ЖН, ОН ва ЯН турлари бўйича тўплаган баллари йиғиндисига 55 фоиздан кам (0-54) бўлса у академик қарздор ҳисобланади.*

**Изоҳ:** Якуний назоратга талабанинг жорий ва оралиқ назоратларининг йиғиндисига бўйича тўплаган бали 39 ва ундан ортиқ бўлса, унга жорий ва оралиқ назоратларни қайта топширишга рухсат берилмайди. Академик қарздор талабанинг тўплаган бали жорий ва оралиқ назоратлар умумий балининг 55 фоизидан (39 баллдан) кам бўлиб, қайта топширишдан сўнг 55фоиз (39 баллдан) ортиқ балл тўпласа талаба фанни ўзлаштирган ҳисобланади. Жорий ва оралиқ назоратлар бўйича академик қарздор талабанинг тўплаган бали жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бири бўйича тенг бўлса, ҳар иккаласи бўйича қайта топшириш билан қарздорликни бартараф қилиш мумкин.

*Жорий ва оралиқ назоратлар бўйича талабанинг тўплаган умумий балидаги жорий ҳамда оралиқ назоратларда олган бали ўзаро таққосланиб, хиссаси кескин кам бўлган назорат тури бўйича қайта топшириб, қарздорликни бартараф қилиш тавсия қилинади.*

25. Талаба назорат натижаларидан нарози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

26. Баҳолаш ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудирини, ўқув-услубий бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

#### **V. Рейтинг натижаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш тартиби**

27. Талабанинг фан бўйича назорат турларидан тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига **бўтун сонлар** билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчаси ёки талабалар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимига ўқув режасида ажратилган соат устунига семестр учун фанга ажратилган соат, “фандан олинган баҳо” устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

*Талабанинг фан бўйича ЖН, ОН ва ЯН ларда тўплаган баллари рейтинг қайдномасига **бўтун сон** билан қайд қилинади. Рейтинг қайдномалари ўқув-услубий бўлимда рўйхатдан ўтказилиб, тасдиқланади.*

**Изоҳ:** Талабанинг семестр якунида фан бўйича назорат турларидан тўплаган баллари рейтинг қайдномасида расмийлаштирилади. Қарздор талабалар учун қайта топширишга икки марта рухсат берилади. Биринчи қайта топшириш алоҳида иккинчи рейтинг қайдномасига, иккинчи қайта топшириш ҳам алоҳида учинчи рейтинг қайдномасига расмийлаштирилади. Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасида қайд этилмайди.

28. Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ журнали ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар эътиборига етказилади.

29. Талабалар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизими жорий этилган ОТМда талабаларнинг фан бўйича рейтингини рейтинг қайдномаси ва ушбу тизимга қайд этилади. Якуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси талабанинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдирди.

30. Талабанинг рейтингини унинг билими, кўникмаси ва малакалари даражасини белгилайди.

Талабанинг семестр (курс) бўйича умумий рейтингини барча фанлардан тўпланган рейтинг баллари йиғиндиси орқали аниқланади.

31. Талабалар умумий рейтингини ҳар бир семестр ва ўқув йили якунлангандан сўнг эълон қилинади.

32. Диплом иловаси ёки академик маълумотномани деканат томонидан расмийлаштиришда фан бир неча семестр давом этган бўлса рейтинглар йиғиндиси олинади. Талабага имтиёзли диплом белгилашда унинг ҳар бир семестр якунидаги фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилади.

33. Талабаларнинг назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедралар, деканат ва ўқув-услубий бўлимида компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади.

34. Жорий, оралиқ ва якуний назорат натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва институт Илмий кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

#### **VI. Якуний қондалар**

35. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест баҳолари ва рейтинг балларининг ҳолислигини текширишни ташкил этади ва назорат қилади.

36. Ушбу Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

37. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси, Давлат солиқ қўмитаси ва Навоий кон-металлургия комбинати билан келишилган.

Ушбу Йўриқнома институт услубий кенгашининг  
2019 йил 27 августдаги 1-сонли баённомаси билан  
тавсияси этилган.

Институт Кенгашининг 2019 йил 29 августдаги  
1-сонли баённомаси билан тасдиқланган.